

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИДАГИ ЖОРИЙ
ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА
ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН
ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ**

2019 йил IV чорак

Тошкент 2020 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ	4
II. РЕЗЮМЕ.....	6
III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ.....	8
3.1. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва талабнинг ўзгариши	8
3.2. Корхоналарнинг экспорт фаолияти	9
3.3. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати	12
3.4. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати	13
3.5. Инвестицион фаолият ва уни молиялаштириш манбалари.....	14
3.6. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши.....	16
3.7. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўзгариши	18

КИРИШ

2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолат ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу ахборотда реал сектор корхоналари кузатувининг 2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича натижалари тақдим қилинмоқда.

Мазкур сўровни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни, ўзгаришларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иқтисодиётдаги ўзгариш ва кутилмаларни инобатга олинишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўровнома шакли қатор хорижий ҳамда МДХ давлатлари марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жами **27** та саволни ўз ичига қамраб олган.

Сўровнома қуйидаги **5** та бўлимдан иборат:

- умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш;
- корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати;
- маҳсулотлар (ишлар, товар ва хизматлар) таннархининг шаклланиши;
- корхоналарнинг инвестицион фаолияти;

- корхоналарнинг яқин истиқболдаги кутилмалари.

Мазкур сўров ҳар чорак якуни бўйича Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан сўровнома шакллари бевосита корхона ва ташкилотларга тарқатиш орқали ўтказиб борилади.

I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ


2019 йил IV чорагида ўтказилган сўров доирасида жами 850 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 189 таси (22,2 фоизи) озиқ-овқат саноати, 168 таси (19,8 фоизи) енгил саноат, 124 таси (14,6 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 95 таси (11,2 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 62 таси (7,3 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 59 таси (6,9 фоизи) транспорт соҳаси, 46 таси (5,4 фоизи) кимё саноати, 32 таси (3,8 фоизи) тиббий хизмат соҳаси, 31 таси (3,6 фоизи) туризм хизмати соҳаси, 10 таси (1,2 фоизи) нефт-газ саноати ҳамда қолган 34 таси (4 фоизи) электроэнергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати,

автомобиль саноатида ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритади (1-расм).

Хусусан, сўровни ўтказиш жараёнида республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзэлтехсаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар ҳамда «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати» ДУК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК каби йирик корхона ва ташкилотлар қамраб олинди.


1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)



Ҳудудлар кесимида, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонидан Тошкент шаҳрининг улуши 10,8 фоизни, Тошкент вилоятининг улуши 10,5 фоизни, Самарқанд вилояти улуши 7,6 фоизни, Фарғона вилояти улуши 7,1 фоизни, Қашқадарё вилояти улуши 6,8 фоизни, Бухоро вилояти улуши 6,5 фоизни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари

улуши 6,4 фоизни ташкил қилади (2-расм).

Сўров доирасида республика ҳудудлари иқтисодиётидаги жорий ҳолатни, ўзгаришларни тўлақонли баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг деярли барча асосий тармоқлари ва ҳар бир тармоқ бўйича камида 2 тадан корхона (ташкилот) сўровда қатнашиш учун танлаб олинган.

II. РЕЗЮМЕ

2019 йилнинг IV чораги якуни бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари мазкур чорак мобайнида мамлакатда иқтисодий фаоллик даражасининг юқори даражада сақланиб турганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2019 йилнинг IV чораги якуни бўйича сўровда қатнашган корхоналарнинг 64 фоизи (2019 йилнинг III чорагида 65 фоиз) **ишлаб чиқариш ҳажмларининг реал ҳисобда ошганлигини** маълум қилган.

Бунда, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши хусусий сектор корхоналарининг 63 фоизида (III чоракда 64 фоиз) ҳамда давлат улушига эга корхоналарининг 70 фоизида (III чоракда 73 фоиз) кузатилди.

Шунингдек, сўров доирасида **маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар** ўрганилган бўлиб, бундай омиллар сифатида хомашё материаллари (34 фоиз) ва энергия манбалари (27 фоиз) нархлари баландлигини ҳамда солиқ юкининг юқорилиги ва солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблигини (21 фоиз) қайд этган корхоналар улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда.

2019 йил IV чорагида **экспорт ҳажми ўзгариши индексининг** III чорак даражасида (71) шакллланганлиги сўнгги чоракда ҳам экспорт ҳажмлари ошишининг юқори

тенденцияси сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Бунда, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг 55 фоизида экспорт ҳажми ошган бўлса, экспорт ҳажмининг камайганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чоракдаги 18 фоиздан 14 фоизгача қисқарган.

Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда, корхона ва ташкилотлар маҳсулотларига ташқи бозорлардаги талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги ҳамда экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблиги каби омилларнинг салбий таъсири ортиб бораётганлиги маълум бўлди.

2019 йилнинг IV чорагида иқтисодиёт реал секторида **мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси** умуман олганда III чорак даражасида сақланиб қолган бўлиб, фойдаланиш даражаси 70 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши 64 фоизни ташкил қилган.

Бунда, **мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликнинг асосий омиллари** сифатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пастлигини қайд этган респондентлар улуши III чоракдаги 18 фоиздан IV чоракда 23 фоизгача, электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни

маълум қилган респондентлар улуши 19 фоиздан 22 фоизгача кўпайган.

Хусусан, **табiiй газ таъминоти** билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши III чорақдаги 29 фоиздан IV чорақда 32 фоизгача кўпайган бўлса, **электр энергияси таъминоти**даги муаммоларни қайд этган респондентлар улуши III чорақдаги даражада (39 фоиз) сақланиб қолган.

Сўнги чорақда сўровда қатнашган корхоналарда **янги иш ўринларини яратиш** тенденциялари бирмунча сустлашган бўлиб, иш ўринлари сонини ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақдаги 37 фоиздан 34 фоизгача камайган.

Шу билан бирга, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг **инвестицион фаоллик даражаси** мазкур чорақда III чорақ даражасида шаклланиб, асосий капиталга инвестицияларни амалга оширган респондентлар улуши 27 фоизни ташкил қилган.

Сўров натижалари инвестицион фаолликнинг давлат корхоналари секторида (*корхоналарнинг 57 фоизи инвестицион харажатларни амалга оширган*) хусусий секторга (25 фоиз) нисбатан сезиларли даражада юқори шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, сўров доирасида олинган жавоблар 2019 йил IV чорагида иқтисодиётда **маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннарҳи ошиши** динамикасининг III чорақка нисбатан барқарорлаш-

ганлигини, яъни инфляцион босимнинг сусайиш белгилари кузатилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бунда, таннарх ошишининг асосий омили сифатида энергия манбалари нархлари ошганлигини қайд этган респондентлар улуши III чорақдаги 57 фоиздан IV чорақда 43 фоизгача, хомашё нархларини ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 78 фоиздан 73 фоизгача ҳамда иш ҳақи харажатларининг ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 40 фоиздан 31 фоизгача камайган.

Шунингдек, 2020 йилнинг I чораги учун реал сектор корхоналари кутилмалари ижобий шаклланган бўлиб, мазкур чорақда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, экспорт, асосий капиталга инвестициялар ҳажмлари ўсишининг жадаллашиши ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги ҳолатнинг янада яхшиланиши кутилмоқда.

III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ

3.1. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва талабнинг ўзгариши

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши юзасидан олинган жавоблар, 2019 йилнинг IV чорагида иқтисодиёт реал секторида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши ижобий динамикаси сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.


Хусусан, сўнгги чорақда корхона ва ташкилотларнинг 64 фоизиди (III чорақда 65 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажмлари реал ҳисобда ошган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайганлигини маълум қилган респондентлар улуши 11 фоиздан 13 фоизгача ошган (3-расм).

Юқоридаги ҳолат иқтисодиётдаги мавсумий тенденциялар, яъни 2019 йилнинг IV чорагида III чораққа нисбатан давлат харажатларининг ва иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари ўсиш суръатининг секинлашиши, қурилиш ишлари ҳажмининг қисқариши каби омиллар таъсирида иқтисодиётдаги ялпи

талабнинг бирмунча суст шаклланиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш индексининг 2019 йилнинг III чорагидаги 76,9 дан IV чорақда 75,5 гача пасайганлиги (2018 йилнинг IV чорагида ҳам тегишли индекс III чорақдаги 79,2 дан 75,9 гача пасайган) иқтисодиёт реал секторида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг бирмунча секинлашганлигини кўрсатсада, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида нисбатан юқори ўсиш кузатилди (4-расм).


3-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



*2020 йилнинг I чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Мазкур сўров натижаларини таҳлил қилишда халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган **диффузион индексдан** (кейинги ўринларда индекс, шу жумладан ишлаб чиқариш индекси ва бошқа индекслар) фойдаланилган бўлиб, ушбу индекс сўров доирасида ўрганилаётган кўрсаткичнинг умумий ўзгариш динамикасини ифодалайди.

Диффузион индекс ижобий жавоблар улушига “ўзгармади” деб белгиланган жавоблар улушининг ярмини қўшиш орқали ҳисобланади, ҳамда бу индекснинг 50 дан юқorigа қараб кўтарилиши кўрсаткичнинг яхшиланаётганлигини, 50 дан пастга қараб силжиши ёмонлашаётганлигини, 50 га тенг бўлиши эса кўрсаткич динамикасида ижобий (ёки салбий) ўзгариш кузатилмаётганлигини билдиради.

4-расм. Ишлаб чиқариш индекси динамикаси

*2020 йилнинг I чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Хусусан, тармоқлар кесимида ишлаб чиқариш индексининг нефт-газ саноатида 65 дан 100 гача, донни қайта ишлаш соҳасида 81,3 дан 87,5 гача, енгил саноатда 78,1 дан 78,6 гача, транспорт хизмати соҳасида 75 дан 78 гача, тиббий хизмат соҳасида эса 64,1 дан 68,8 гача

ошганлиги, яъни мазкур тармоқларда ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг жадаллашганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, IV чорақда ишлаб чиқариш индексининг қурилиш материаллари соҳасида 77 дан 67,6 гача, тоғ-кон саноатида 100 дан 75 гача, қурилиш хизматида 86,4 дан 82,3 гача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 76,1 дан 72,1 гача пасайганлиги, яъни мазкур тармоқларда ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг секинлашганлигини билдиришди.

Корхоналарнинг маҳсулотларига (иш, хизматларига) талабнинг ўзгариши юзасидан 2020 йил I чорақ учун кутилмалари ўрганилганда, корхоналарнинг 58 фоизиди (IV чорақда 57 фоизи) I чорақда ўз маҳсулотларига талабнинг янада ошиши кутилаётганлиги маълум бўлди (тегишли индекснинг 72,2 дан 72,7 гача ошиши кутилмоқда).

1-жадвал. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилаётган омиллар

	2018 III чорак	2018 IV чорак	2019 I чорак	2019 II чорак	2019 III чорак	2019 IV чорак
Корхона маҳсулотларига (иш, хизматларига) бўлган талабнинг етарли даражада эмаслиги	14%	12%	14%	14%	11%	15%
Энергия манбалари нархларининг юқорилиги	21%	27%	21%	25%	27%	27%
Хомашё материаллари нархларининг юқорилиги	34%	32%	31%	32%	36%	34%
Малакали ходимларнинг етишмаслиги	11%	9%	11%	12%	9%	11%
Айланма маблағларнинг етарли эмаслиги	15%	13%	18%	18%	18%	16%
Солиқ юкининг юқорилиги ва солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблиги	16%	17%	22%	19%	21%	21%
Бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитлар	16%	21%	16%	16%	15%	16%
Ички бозорда корхона маҳсулотлари ўрнини босувчи импорт товарларининг кўпчилиги	7%	8%	10%	10%	8%	10%

Кўрсаткич қийматининг яшилдан қизилга қараб ўзгариши унинг салбий таъсирининг ортиб бораётганлигини билдиради

2019 йилнинг IV чорагида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг 55 фоизи экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган бўлса, экспорт ҳажмининг камайганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақдаги 18 фоиздан 14 фоизгача қисқарган (6-расм).

Бунда, давлат сектори корхоналарининг 42 фоизи ва хусусий сектор корхоналарининг 57 фоизи экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган.

Тармоқлар кесимида қаралганда экспорт ҳажми ўсиш суръатларининг тезлашиши сўровда иштирок этган енгил саноат (экспорт ҳажми ўзгариши индекси 63,8 дан 78,8 гача ошган), нефт-газ саноати (62,5 дан 75,0 гача), автомобил саноати (60 дан 80 гача) ҳамда транспорт хизмати соҳасида фаолият юритувчи корхоналарда кузатилган.

Шу билан бирга, респондентлар экспорт фаолиятининг нисбатан сустлашиши кимё саноатида (экспорт ҳажми ўзгариши индекси III чорақдаги 70,5 дан 52,5 гача пасайган) қурилиш материаллари соҳасида (71,4 дан 66,7 гача), озиқ-овқат саноатида (74,2 дан 72,5 гача), транспорт хизмати соҳасида (71,4 дан 64,3 гача), туризм хизмати соҳасида (85,7 дан 76,9 гача) қайд қилинган.

2020 йил I чорагида экспорт ҳажми ўзгариши индексининг 70,8 дан 73,5 гача ошиши, яъни реал сектор корхоналари экспорт фаолиятининг кенгайиши кутилмоқда.

2019 йил IV чорагида **экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши** 30 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдаги каби 42 фоизни ташкил қилган.

Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда, корхона ва ташкилотларнинг 25 фоизи маҳсулотларига ташқи бозорлардаги талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини ҳамда 26 фоизи экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблигини қайд этди (2-жадвал).

Хусусан, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар юзасидан ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини маълум қилган респондентлар улуши 2019 йилнинг III чорагидаги 23 фоиздан IV чорақда 26 фоизгача ҳамда экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблигини маълум қилган респондентлар улуши 13 фоиздан 16 фоизгача кўпайган.

Бу эса, реал сектор корхона ва ташкилотларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар доирасида уларга **экспорт фаолияти бўйича ахборот-консультатив ёрдам кўрсатиш масаласига** алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини англатади.

2-жадвал. Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши

	2018 III чорак	2018 IV чорак	2019 I чорак	2019 II чорак	2019 III чорак	2019 IV чорак
Транспорт харажатларининг юқорилиги	21%	20%	20%	20%	22%	20%
Экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг (хужжатларни расмийлаштириш, тегишли сертификат ва рухсатномаларни олиш ва х.к.) мураккаблиги	14%	16%	16%	14%	13%	16%
Ташқи бозорларда корхона маҳсулотларига талабнинг пастлиги	17%	24%	24%	26%	23%	25%
Ташқи бозорлардаги корхона маҳсулотларига талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги	18%	13%	17%	21%	23%	26%



Кўрсаткич қийматининг яшилдан қизилга қараб ўзгариши унинг салбий таъсирининг ортиб бораётганлигини билдиради

3.3. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати


Сўров натижалари 2019 йилнинг IV чорагида иқтисодиёт реал секторида **мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг** умуман олганда III чорак даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси

70 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йил III чорагидаги каби 64 фоизни ташкил қилган.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси жуда паст (40 фоиздан кам) бўлган корхона ва ташкилотлар улуши III чоракдаги 5 фоиздан IV чоракда 7 фоизгача кўпайган (7-расм).

7-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг корхоналар бўйича тақсимланиши



3-жадвал. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик сабабларининг тақсимланиши

	2018 III чорак	2018 IV чорак	2019 I чорак	2019 II чорак	2019 III чорак	2019 IV чорак
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг пастлиги	30%	19%	21%	18%	18%	23%
Электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар	19%	20%	15%	17%	19%	22%
Ҳомашё таъминоти билан боғлиқ муаммолар	43%	25%	21%	26%	28%	24%
Айланма маблағлар танқислиги	31%	15%	19%	20%	20%	20%
Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар	10%	5%	6%	7%	8%	7%

Кўрсаткич қийматининг яшилдан қизилга қараб ўзгариши унинг салбий таъсирининг ортиб бораётганлигини илдиради

Бунда, тармоқлар кесимида **ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 70 фоиздан юқорилигини қайд этган** респондентлар улуши озиқ-овқат саноатида III чоракдаги 61 фоиздан IV чоракда 66 фоизгача, нефт-газ саноатида 60 фоиздан 88 фоизгача, автомобиль саноатида 80 фоиздан 84 фоизгача ва транспорт хизмати соҳасида 65 фоиздан 70 фоизгача ошган.

Шу билан бирга, юқоридаги кўрсаткич енгил саноатда 61 фоиздан 57 фоизгача, кимё саноатида 58 фоиздан 56 фоизгача, донни қайта ишлаш саноатида 100 фоиздан 75 фоизгача, қурилиш хизмати соҳасида 78 фоиздан 76 фоизгача ҳамда туризм хизмати соҳасида 67 фоиздан 52 фоизгача камайган.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмасликнинг асосий омиллари сифатида ишлаб чиқарилаётган **маҳсулотларга талабнинг пастлигини қайд этган** респондентлар улушининг III чоракдаги 18 фоиздан IV чоракда **23 фоизгача, электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни қайд этган**

респондентлар улушининг 19 фоиздан **22 фоизгача** кўпайганлиги мазкур муаммоларнинг ўтган чоракларга нисбатан кучайганлигини билдиради.

Шу билан бирга, хомашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни маълум қилган респондентлар улуши III чоракдаги 28 фоиздан IV чоракда 24 фоизгача камайган (3-жадвал).


3.4. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати

2019 йилнинг IV чораги якуни бўйича ўтказилган сўров натижалари корхона ва ташкилотларнинг энергия манбалари билан таъминланиш ҳолатининг аввалги чоракка нисбатан бирмунча ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, **табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларга** дуч келаётган корхоналар улуши III чоракдаги 29 фоиздан IV чоракда 32 фоизгача кўпайган (8-расм).

Шунингдек, **электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар** мавжудлигини маълум қилган респондентлар улуши эса III чоракдаги даражада (39 фоиз) сақланиб қолган (9-расм).

8-расм. Табиий газ билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши





Энергия манбалари таъминотида муаммолар мавжудлигини маълум қилган респондентлар улуши хусусий секторда нисбатан юқори бўлиб, хусусан, хусусий сектор корхона ва ташкилотларининг 41 фоизи (давлат корхоналари секторида 16 фоизи) электр энергияси таъминотида ҳамда 33 фоизи (давлат корхоналари секторида 19 фоиз) табиий газ таъминотида муаммоларга дуч келаётганлигини маълум қилган.

3.5. Инвестицион фаолият ва уни молиялаштириш манбалари

2019 йилнинг IV чораги мобайнида сўровда иштирок этган реал сектор корхона ва ташкилотларининг инвестицион фаоллиги (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) III чорак даражасида шаклланган бўлиб, инвестицион харажатларни амалга оширган респондентларнинг улуши 27 фоизни ташкил қилган (10-расм).

9-расм. Электр энергияси билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши



10-расм. Корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги

*2020 йилнинг I чорағи яқунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Бунда инвестицион фаоллик даражаси давлат сектори корхоналарида хусусий сектор корхоналарига нисбатан юқори шаклланган.

Хусусан, 2019 йилнинг IV чорағида инвестицион харажатларни амалга оширган хусусий сектор корхоналари улуши III чорақдаги 26 фоиздан 25 фоизгача камайган бўлса, давлат улуши мавжуд корхона ва ташкилотлар улуши 39 фоиздан 57 фоизгача кўпайган.

Тармоқлар кесимида қаралганда асосий капиталга инвестицияларни амалга оширган корхона ва ташкилотлар улуши нефт-газ саноатида 40 фоиздан 50 фоизгача, тоғ-кон саноатида 67 фоиздан 100 фоизгача, қурилиш материаллари соҳасида 24 фоиздан 32 фоизгача, қурилиш хизмати соҳасида 24 фоиздан 35 фоизгача, туризм хизмати соҳасида 16 фоиздан 23 фоизгача ошган бўлса, электр-энергетика тармоғида 33 фоиздан 22 фоизгача, енгил саноатда 36 фоиздан 28 фоизгача ҳамда озиқ-

овқат саноатида 25 фоиздан 23 фоизгача камайган.

Шу билан бирга, 2020 йилнинг I чорағида реал сектор корхоналари инвестицион фаоллигининг IV чорақка нисбатан ўсиши кутилмоқда.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида корхона ва ташкилотларнинг 64 фоизи фойда ва ўз маблағларини (2019 йил III чорақда 65 фоиз) ва 48 фоизи банк кредитларини (III чорақда 49 фоиз) кўрсатган.

Бунда, инвестицияларни молиялаштиришда банк кредитлари ва лизинг хизматларидан фойдаланиш даражаси давлат корхоналари секторида (59 фоиз) хусусий сектор корхоналарига (50 фоиз) нисбатан юқорироқ шаклланган.


Сўров натижаларига кўра, 2019 йилнинг IV чорағида **тижорат банкларида кредит маблағлари жалб қилган корхона ва ташкилотлар улуши** 2019 йил III чорағидаги 40 фоиздан 41 фоизгача кўпайган.

Тармоқлар кесимида кредит маблағларини жалб қилган корхона ва ташкилотлар улуши автомобил саноатида 20 фоиздан 67 фоизгача, нефт-газ саноатида 10 фоиздан 25 фоизгача, кимё саноатида 35 фоиздан 48 фоизгача, озиқ-овқат саноатида 35 фоиздан 38 фоизгача кўпайган.


Шу билан бирга, кредит маблағларини жалб қилган респондентлар улуши қурилиш материаллари

саноатида III чорақдаги 40 фоиздан IV чорақда 36 фоизгача, донни қайта ишлаш соҳасида 88 фоиздан 75 фоизгача, электроэнергетика тармоғида 44 фоиздан 33 фоизгача, туризм хизматлари соҳасида 38 фоиздан 23 фоизгача ҳамда транспорт хизматлари соҳасида 45 фоиздан 41 фоизгача, камайган.

11-расм. Кредит олиш шартлари ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



12-расм. Кредит олиш шартлари ўзгариши индекси



2019 йилнинг IV чорағида **кредит олиш шартларининг ўзгариши индекси** 71,5 ни (2019 йил III чорақда 70,2 фоиз) ташкил қилган бўлиб, кредитлаш шарт-шароитларининг III чорақ даражасида сақланиб қолганлиги ҳамда трансмиссион канални кучайтиришни зарурлигини билдиради (12-расм).

Шунингдек, IV чорақда респондент корхона ва ташкилотларнинг **кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи** III чораққа нисбатан бирмунча ошган бўлиб, уларнинг 39 фоизи (III чорақда 33 фоизи) ани вақтда кредит олишга эҳтиёжи борлигини, 61 фоизи эса (III чорақда 67 фоиз) кредит олишга эҳтиёжи йўқлигини маълум қилган.


Тармоқлар кесимида қаралганда, қурилиш материаллари саноатида сўровда қатнашган корхоналарнинг 36 фоизи, енгил саноатда 43 фоизи, озиқ-овқат саноатида 43 фоизи, нефт-газ саноатида 38 фоизи, кимё саноатида 47 фоизи, донни қайта ишлаш саноатида 75 фоизи, транспорт хизмати соҳасида 36 фоизи, қурилиш хизмати соҳасида 32 фоизи келгусида тижорат банкларида кредит маблағлари жалб қилиш мўлжалланаётганлигини маълум қилган.

3.6. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши

2019 йилнинг IV чорағида янги иш ўринлари яратилиши билан боғлиқ тенденциялар нисбатан секинлашган бўлиб, иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган


корхоналар улуши III чорақдаги 37 фоиздан 34 фоизгача ҳамда **иш ўринлари сони ўзгариши индекси** 65,1 дан 63,2 гача камайган (13-14-расм).

13-расм. Иш ўринлари сонининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



*2020 йилнинг I чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

14-расм. Иш ўринлари сони ўзгариши индекси



*2020 йилнинг I чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Бунда, янги иш ўринларини яратиш жараёнлари давлат корхоналари секторида бирмунча жадаллашган бўлса (янги иш ўринлари яратилганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақдаги


20 фоиздан 23 фоизгача ортган), хусусий сектор корхоналарида ушбу жараён сустлашган (III чорақдаги 39 фоиздан 35 фоизгача камайган).

Тармоқлар кесимида қаралганда иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши кимё саноатида 35 фоиздан 38 фоизгача, енгил саноатда 42 фоиздан 43 фоизгача ҳамда тиббий хизмат соҳасида 47 фоиздан 50 фоизгача кўпайган.


Шу билан бирга юқоридаги кўрсаткич қурилиш материаллари соҳасида 42 фоиздан 30 фоизгача, автомобил саноатида 40 фоиздан 33 фоизгача, транспорт хизмати соҳасида 38 фоиздан 34 фоизгача, туризм соҳасида 38 фоиздан 16 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 36 фоиздан 29 фоизгача камайган.

Ўз навбатида, жорий йилнинг I чорағи иқтисодиётда иш ўринлари яратиш динамикасининг янада яхшиланиши кутилаётган бўлиб, респондентларнинг 37 фоизи (2019 йил IV чорағида 34 фоиз) ўз корхона ва ташкилотларида янги иш ўринлари яратилиши кутилаётганлигини маълум қилган.

2019 йил IV чорағида **иш ҳақи миқдорини оширган** корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдаги 63 фоиздан 57 фоизгача камайган бўлиб, **иш ҳақи миқдори ўзгариши индекси** 79,6 дан 77,6 гача пасайган. Бошқача қилиб айтганда, сўнгги чорақда иқтисодиётда иш ҳақи ўсиши суръати нисбатан секинлашган (15-16-расм).

15-расм. Иш ҳақи миқдорининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши, %да

*2020 йилнинг I чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

16-расм. Иш ҳақи миқдори ўзгариши индекси



*2020 йилнинг I чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Иш ҳақи миқдорларининг оширилиш даражаси таҳлил қилинганда, IV чорак мобайнида иш ҳақи миқдорлари оширилган корхона ва ташкилотларнинг 79 фоизиди иш ҳақи миқдори 1-10 фоиз оралиғида оширилган.

Ўз навбатида, 2020 йил I чорагида иқтисодиёт реал секторида иш ҳақи ўсишининг IV чорак даражасида сақланиб қолиши кутилмоқда.

3.7. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўзгариши

2019 йилнинг IV чорагида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошиши бўйича олинган жавоблар мазкур даврда маҳсулотлари таннархининг ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улушининг 2019 йилнинг III чорагидаги 56 фоиздан 57 фоизгача кўпайганлигини кўрсатмоқда (17-расм).

17-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши**18-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўзгариши индекси**

4-жадвал. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошишига сабаббўлган омиллар

	2018 III чорак	2018 IV чорак	2019 I чорак	2019 II чорак	2019 III чорак	2019 IV чорак
Хомашёлар нархлари ошиши	78%	76%	72%	74%	78%	73%
Электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи нархларининг ошиши	44%	67%	46%	39%	57%	43%
Иш ҳақи харажатларининг ошиши	38%	40%	32%	32%	40%	31%



Кўрсаткич қийматининг яшилдан қизилга қараб ўзгариши унинг салбий таъсирининг ортиб бораётганлигини билдиради

Таннарх ўзгариши индексининг деярли III чорак даражасида шаклланиши (76,9) сўнгги чоракда маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархи ошиши динамикасининг III чоракка нисбатан барқарорлашганлигини билдиради (18-расм).

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўсишининг асосий омили сифатида электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи нархлари ошганлигини қайд этган респондентлар улуши III чоракдаги 57 фоиздан IV чоракда 43 фоизгача, хомашё нархларини ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 78 фоиздан 73 фоизгача ҳамда иш ҳақи харажатларининг ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 40 фоиздан 31 фоизгача камайган (4-жадвал).

Бошқача қилиб айтганда, сўнгги чоракда иқтисодиёт реал секторида таннарх шаклланишининг асосий омиллари таъсири пасайиши кузатилмоқда.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган

E-mail: xolmurodov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09